

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТНАЗАРОВ ЖАВЛАНБЕК КАБУЛОВИЧ

МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМ ШЕЪРИЯТИ ЛИНГВОПОЭТИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2022

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам

Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on Philological
Sciences

Матназаров Жавланбек Кабулович

Матназар Абдулҳаким шеърятининг лингвопоэтикаси.....3

Матназаров Жавланбек Кабулович

Лингвопоэтика поэзии Матназара Абдулҳакима.....22

Matnazarov Javlanbek Kabulovich

Linguopoetics of the poetry of Matnazar Abdulhakim.....42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works47

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТНАЗАРОВ ЖАВЛАНБЕК КАБУЛОВИЧ

МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМ ШЕЪРИЯТИ ЛИНГВОПОЭТИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2022

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil1085 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.urdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Примов Азамат Искандарович
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Қудайбергенов Мамбеткерим Сарсенбаевич
филология фанлари доктори (DSc)

Юлдашев Маъруфжон Муҳаммаджонович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел: (+99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-67-00; e-mail: fil-ik.urdu.uz.)

Диссертация билан Урганч давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел: (99862) 224-67-00).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кuni тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

З.Дўсимов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

С.Сариев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д. (DSc), доцент

А.Ўрозбоев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.в.б., филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида бадий асар тили ва у билан боғлиқ тил сатҳи бирликларининг поэтик вазибаларини тавсифлаш масаласи ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Дунё тилшунослигида бадий асар тузилиши, унинг нафосатию фалсафаси, тарбиявий кучи, сўз воситасида қурилиши, тилдан, сўздан усталик билан фойдаланиш натижалари индивидуал нутқий бутунлик – бадий матнни юзага келтиришини ўрганишга доир тажрибалар кўпайди ҳамда тайёр бўлган ҳосила кейинчалик қисмларга бўлиниб, шу қисмларнинг матн бутунлигидаги ўрнини белгилаш натижасида муаллифнинг маҳорати, ўзига хос услубини аниқлаш янги босқичга кўтарилди.

Дунё тилшунослигида лингвопоэтик тадқиқотларни амалга оширишда рус тилшунослари етакчи бўлиб, ушбу тилшунослар томонидан лингвопоэтиканинг тадқиқот тамойиллари яратилган ва бу тамойиллар ҳозирги даврда дунё тилшунослигида кенг қўлланилмоқда. Бадий матн тили, шакли ва мазмуни муносаботи, тил бирликларининг бадий вазибаси, эстетик қиммати ҳамда унинг ўқувчига эстетик таъсирини ўрганиш лингвопоэтиканинг асосий вазиба бўлиб келди.

Ўзбек тилшунослигининг муҳим вазибаларидан бири замонавий ижодкорлар қаламига мансуб бадий матнларини лисоний тадқиқ қилишдир. Бундай тадқиқотлар доирасида ўзбек тилшунослигида олиб борилган ишларнинг баъзилари масаланинг умумий томонларига¹, бошқаси аниқ бир ижодкор асарлари тилига² алоқадордир. Д.Шадиева таъкидлаганидек, ўзбек тилшунослигида назмий асарлар тили борасида қилинган ишлар салмоғи насрий асарлар тили юзасидан олиб борилган ишлардан анчайин камчиликни ташкил қилади³. Бу борада энди-энди жонланиш кузатилмоқда ва табиийки, бугунгача соҳада эришилган ютуқлар бунга катта йўл очади.

Президентимиз тўғри таъкидлаганларидек, “Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадий дурдоналар яратганлар”⁴. Ушбу меросни сақлаш, ўрганиш ва тадқиқ қилиш борасида Президентимизнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: “Шунингдек, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга эришмоғимиз зарур”⁵. Умуман олганда, давлат раҳбари томонидан қўйилаётган бу талаблар зукко китобхон, эзгу фикрловчи шахс, ватанпарвар инсонни тарбиялашга қаратилган. Бу борада, аввало, тилнинг, қолаверса, тил ва адабиёт бирлигидан ҳосил бўлган бадий матн тадқиқининг ўрни бекиёсдир. Бу қаторда шеърий матнларни ўрганиш ўзбек тилшунослигида янги

¹ Гуломов А. Бадий адабиётнинг тили ҳақида // Адабиёт ва санъат. – Тошкент, 1941; Абдураҳмонов Ғ. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тили ўқитиш методикаси. – Тошкент, 1960; Аҳмедов А. Бадий асар тилини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1960. – №3; Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. – Тошкент: Ўздавнашр. 1962; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2003; Қурбонова М. Мустақиллик даври дostonлари лингвопоэтикаси: Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Фарғона, 2019. 153 б.

² Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати: Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Сайидов Ё. Фитрат бадий асарлари лексикаси: Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2001; Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Сабирдинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати: Филол.фанлари. д-ри. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Шадиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси: Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2007.

³ Шадиева Д. Ўша асар. – Б.5.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // <http://uza.uz/oz/documents/uzbek-tilining-davlat-tili-sifatidagi-nufuzi-vamavqeini-tubd-22-10-2019>.

⁵ Ўша манба.

босқичга кўтарилди. Шу борада етук шоир, мохир таржимон ва мунаққид, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” (1996), “Офарин” мукофотининг “Йилнинг энг яхши шоири” номинацияси ғолиби (2002) Матназар Абдулҳаким (1948-2010) ўзбек шеъриятида ўз ўрнига эга ижодкорлардан бирidir. Шоир шеърияти лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ қилинмаган, хусусан, адиб қаламига мансуб шеърлардаги товушлар жилоланиши, хушоҳанглик, сўзнинг образ яратишдаги ўрни, фикрни тил бирликлари воситасида ихчам ифодалаш, кези келганда сўзларни такрорлаш орқали услубий фигура ҳосил қилиш, окказионал бирликлар яратиш, номларга поэтик юк ортиш, антисемик ва синонимик бирликлардан услубий фигура яратишда фойдаланиш, интертекстуаллик, субъектив баҳо семасини аниқлаш, кўчим турларини таҳлил қилиш каби масалалар деярли ўрганилмаган. Матназар Абдулҳаким шеъриятини лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил қилиш кенг ўзбек китобхонлари аудиториясига бадиий адабиёт, сўз қўллаш сирларини очишни кўзда тутиши билан бирга, адиб услубини аниқлаш, унинг сўздан фойдаланиш маҳоратини очиб бериш ҳамда муаллиф бадииятини илмий жиҳатдан тавсифини кўрсатиб беришда муҳим тадқиқот бўлиши билан долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақидаги” Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лингвопоэтика ўтган асрнинг 30-йилларида рус тилшунослигида шаклланган бўлиб, соҳанинг тадқиқот тамойиллари яратилган ва бу тамойиллар ҳозирги даврда ҳам дунё тилшунослигида тан олинган ҳамда кенг қўлланилмоқда. Жумладан, Б.В.Томашевский¹, Л.В.Щчерба², Д.Н.Шмелев³, В.В.Виноградов⁴, Г.В.Степанов⁵, О.С.Ахманова⁶, В.Я.Задорнова⁷, А.А.Липгарт⁸,

¹ Томашевский Б.В. Теория литературы (Поэтика). – М., 1925. – 232 с.

² Щчерба Л.В. Избранные работы по языкознанию и фонетике. – Ленинград: Издательство Ленинградского университета, Том 1, 1958. – 182 с.

³ Шмелев Д.Н. Слова и образ. – М.: Наука, 1964. – С.3.

⁴ Виноградов В.В. Избранные труды. О языке художественной прозы. – М., 1980. – 360 с. Шу муаллиф. Итоги обсуждения вопросов стилистики. – М., 1986. – С.117-189; К диалектике развития словеснохудожественных форм // Проблемы лингвистической стилистики (тезисы докладов). – М., 1986. – С.29-31. О теории художественной речи. – М., 1971. – 238 с.

⁵ Степанов Г.В. Язык. Литература. Поэтика. – М.: Наука, 1988. – С.148.

⁶ Ахманова О.С. О стилистической дифференциации слов // Сб. статей по языкознанию. Проф. МГУ акад. В.В. Виноградову в день его 60-летия. – М., 1958. – С.24-39; Ахманова О.С., Медникова Э. М. Проблемы неидиоматической фразеологии. – М., 1986. – 235 с.

⁷ Задорнова В.Я. Словесно-художественное произведение на разных языках как предмет лингвопоэтического исследования: Дисс. ...докт.филол.наук. – М., 1992. – С.60.

⁸ Липгарт А.А. О лингвопоэтическом анализе художественного текста // Студенческие научные доклады. Ч. III / Лингвистика. – М., 1992. – С.3-8. Шу муаллиф. Лингвопоэтическое сопоставление: теория и метод. – М., 1994. – 276 с; Шу муаллиф. Лингвопоэтическое исследование художественного текста: теория и

О.И.Москальская¹ларнинг тадқиқотлари соҳага оид салмоқли ишлар саналади. Бу ишларда матннинг лингвистик таҳлили, тилнинг образ яратишдаги ва бадиий матн курилишидаги аҳамияти, лисоний шахс, сўзнинг услубий қўлланиши, лингвопоэтика фанининг терминологияси каби масалалар тадқиқ қилинган.

Ўзбек тилшунослигида лингвопоэтиканинг назарий масалаларига бағишланган анча тадқиқотлар олиб борилган². Алоҳида олинган шоир шеърятининг тилининг лингвопоэтик тадқиқи масалаларига бағишланган ишлар эса бундай тадқиқотлардан миқдор жиҳатидан кам. Бу борада кейинги йилларда жонланиш кузатилмоқда.

Матназар Абдулҳаким ижодий мероси ўзбек адабиётида, хусусан, ўзбек шеърятининг ўз ўрнига эга бўлишига қарамасдан, бугунгача лингвистик жиҳатдан яхлит монографик планда тадқиқ қилинмаган. Ҳ.Абдуллаев, Н.Жуманиёзова, Ҳ.Ғойиповалар шоир ижодини адабиётшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилишган холос, тилшунослик йўналишида эса А.Ўрозбоев мақолалари ва Н.Отажонованинг магистрлик ишигина мавжуд³. Н.Отажонованинг магистрлик диссертациясида шоир шеърларидаги синонимлар, омонимлар, окказионализмлар, такрорларнинг бадиий матндаги ўрнига диққат қаратилган, ишда кўпчилик мисоллар фақат қайдлардан иборат. Шунингдек, ишда тил бирликларининг бадиий матнда актуаллашуви ҳам етарлича очиб берилмаган. Демак, бугунгача шоир асарлари лингвопоэтикаси атрофлича тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч давлат университетининг “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Матназар Абдулҳаким шеърятининг тилини лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бадиий матнга лингвопоэтик ёндашув тамойилларини Матназар Абдулҳаким шеърлари мисолида таҳлил қилиш;

ижодкор асарлари тилида метафора, контраст, оксюморон, плеоназм каби бадиий воситалардан унумли ва ўринли фойдаланганини асослаш;

шоир ижодидаги паремиялогик бирликлар – мақол ва афоризмларнинг лингвопоэтик хусусиятларини ёритиш;

практика: Дисс. ...докт.филол.наук. – М., 1996. – 656 с; Шу муаллиф. Методы лингвопоэтического исследования. – М., 1997. – 220 с.

¹ Москальская О.И. Грамматика текста. – М.: Высшая школа, 1981. – 183 с.

² Анданиязова Д.Р. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: Филол.фан. фалсафа док. (PhD) автореф. – Тошкент, 2017. – 52 б. Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол.фан. д-ри.дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 27 б. Жамолиддинова Д. Бадиий нутқда парантез бирликларнинг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятлари: Филол.фан. номз. ...дисс.автореф. – Тошкент, 2009. – 22 б. Ибрагимова Ф. Бадиий матнда эллипсис ва антиэллипсис: Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 26 б. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек тилида фразеологик бирликларнинг функционал услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри дисс. – Тошкент, 1994. – 297 б. Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фан. д-ри дисс. – Тошкент, 1993. – 292 б. Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол.фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2008. – 313 б. Маҳмадиев Ш.С. Ўзбек халқ достонлари тилида стилистик формулалар: Филол.фан.номз. ...дисс – Тошкент, 2007. – 26 б. Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 25 б; Қурбонова М. Мустақиллик даври достонлари лингвопоэтикаси: Филол.фан. фалсафа док. (PhD) автореф. – Фарғона, 2019. – 153 б; Тўланова Н. Ҳозирги ўзбек шеърятининг бадиий санъатларининг лисоний-услубий таҳлили: Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2008. – 140 б.

³ Абдуллаев Ҳ. Мангуликка мухтасар назар (Матназар Абдулҳаким шахсияти ва ижодига чизгилар). – Урганч, 2018. – 58 б., Джуманиязова Н. Истиклол даври ўзбек лирикасида услубий йўналишлар: Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 144 б.; Ғойипова Ҳ. Матназар Абдулҳакимнинг бадиий ва публицистик маҳорати: Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 143 б., Ўрозбоев А. Мангулик жамолининг жилваси. – Жаҳон адабиёти \\\\ Тошкент, 2018. – № 2. – Б.175. Отажонов Н. Матназар Абдулҳаким шеърятининг лингвопоэтикаси: Магистрлик диссертацияси. – Урганч, 2010. – 65 б.

окказионализмларнинг лингвопоэтик хусусиятларини шоир шеърларидан олинган мисоллар асосида очиб бериш;

диалектал бирликлар лингвопоэтикасини, шунингдек, шевадаги шеърлар фонопоэтикасини шоир шеърлари асосида далиллаш;

ономастик бирликларнинг матн бутунлигини шакллантиришдаги ўрнини шоир шеърлятидаги антропопоэтоним, топопоэтоним ва космопоэтонимлар таҳлили билан очиб беришдир.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Матназар Абдулҳакимнинг “Жавзо ташрифи”, “Кўприк”, “Бир қужоқ гул” (ўғуз лаҳжасида ёзилган шеърлар тўплами), “Ойдинлик”; икки жилдлик “Танланган асарлар”идаги шеърлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Матназар Абдулҳаким шеърляти тил бирликларининг лингвопоэтик хусусиятлари танланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда диалектик, синергетик таҳлил, тавсифлаш, таснифлаш, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, герменевтик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Матназар Абдулҳаким шеърлярига лингвопоэтик ёндашув тамойиллари моҳияти метафора, контраст, оксюморон, плеоназм асосида очиб берилган;

шоир ижодидаги паремиологик бирликлар – мақол ва афоризмлардан ижодий тарзда фойдаланиш, айрим ўринларда уларга янги маъно юклай олиш лингвопоэтик омил эканлиги далилланган;

ўзбек тили ички имкониятларининг кенглиги аффиксиал ва композицион окказионализмлар лингвопоэтикаси асосида асосланган;

диалектал бирликлар, шевавий лақуналар, шевадаги шеърлар фонопоэтикаси бадиий тасвир яратиш учун асос эканлиги далилланган;

шоир ижодидаги ономастик бирликларнинг бадиий матнда коннотатив маъно касб этиши, интертекстуаллик ҳосил қилишдаги аҳамияти, бадиий юк олиши, образ яратишдаги илмий аҳамияти, умуман, матн бутунлигини шакллантиришдаги ўрни шоир шеърлятидаги номлар мисолида асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Матназар Абдулҳаким шеърлятида қўлланган поэтик юки бўлган зид маъноли сўзлар, метафоралар, плеоназмлар, мақоллар, афоризмлар, окказионализмлар, диалектал бирликлар, ономастик бирликлар бўйича тўпланган материаллар, уларнинг тадқиқи натижасида чиқарилган хулоса ва талқинлар ҳозирги ўзбек тилшунослиги, хусусан, лингвопоэтикаси учун муҳим зарурий, илмий маълумот бериши; лингвопоэтика бўйича тадқиқотлар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши асосланган; диалектал сўзлар, ономастик бирликлар, окказионал сўзлар бўйича тўпланган материаллар изоҳли, ономастик луғатларга материал ҳамда манба сифатида хизмат қилиши исботланган; Матназар Абдулҳаким асарларидаги поэтонимлар бўйича тўпланган материаллар ўзбек тили ономастикаси учун зарурий илмий маълумот бериши, ўзбек тили ономастикаси бўйича тадқиқотлар яратишда бевосита манба бўлиб хизмат қилиши, лексикология, стилистика, ономастика бўлимларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилиши, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, таҳлилга тортилган лисоний материалларнинг асослилиги, антропоцентрик парадигмада қўлланилган усуллардан фойдаланилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Матназар Абдулҳаким асарлари тилининг лингвопоэтик

хусусиятлари аниқланганлиги ва бадиий матнни интегратив усулда тадқиқ этишнинг назарий асосларига доир янги илмий қарашлар баён этилганлиги; тадқиқотда келтирилган фикр-мулоҳазалар ўзбек тилида бадиий матн лингвопоэтикасини назарий жиҳатдан бойитиши билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шоир шеърляти лингвопоэтик таҳлилидан “Лингвопоэтика”, “Стилистика”, “Нутқ маданияти ва услубият асослари”, “Диалектология” фанлари ҳамда “Ижодкорнинг бадиий маҳорати” “Лингвомаданиятшунослик” каби махсус курсларни ўқитишда; соҳага оид дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, илмий рисоалар яратишдаги самарадорлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Матназар Абдулҳаким шеърлятининг лингвопоэтик хусусиятлари, мавзу тадқиқи юзасидан олинган натижалар асосида:

адиб шеърлари тилида қўлланган метафора, контраст, оксюморон, плеоназмларнинг таҳлили натижасида чиқарилган хулосалардан F1-FA-0-43429, FA-F1, GOO2 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 2 ноябрдаги 323-324/1-сон маълумотномаси). Натижада Матназар Абдулҳаким шеърларида қўлланилган лисоний бирликларнинг поэтик актуаллашуви муаммолари тадқиқи муайян хулосалар чиқариш имконини берган;

Қорақалпоқ миллати билан адабий муштараклик асосида яратилган шеърлар тили воситасида чиқарилган хулосалардан FA-F1-OO5 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 2 ноябрдаги 323-324/1-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек ва қорақалпоқ тили, маданияти алоқалари шоир ижоди мисолида далиллашга имкон берган;

Диссертацияда аниқланган маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан ташкил қилинган турли фестивалларда, турли маданий тадбирларни ташкил қилишда, қадим ва навқирон юртимизнинг бой ва турфа хил адабиёти билан таништиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 23 августдаги 01-12-01-3831-сон маълумотномаси). Натижада тадбирлар мазмуни назарий маълумотлар билан бойитилган;

Диссертацияда аниқланган илмий янгиликлар асосида Маҳмуд Замахшарий номидаги Хоразм вилоят ахборот-кутубхонаси билан ҳамкорликда кутубхонада ташкил этилган “Матназар Абдулҳаким ўқишлари” номли илмий-амалий лойиҳа доирасида маърузалар қилинган (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2021 йил 11 ноябрдаги 02-20/1152-сонли маълумотномаси). Натижада шоир шеърларида қўлланган мақол ва афоризмлар, аффиксиал, композицион окказионализмлар, ономастик бирликларнинг бадиий имкониятларига доир тажрибалардан фойдаланган ҳолда лингвопоэтик хусусиятларини атрофлича ёритиш имконияти яратилган;

Хоразм вилояти телерадиокомпанияси томонидан 2019 йил 21 октябрда “Мунаввар кун” дастурида, 2020 йил 21 октябрда “Ассалом, Хоразм” дастурининг “Сухбатдош” рукнида диссертациянинг ономастик бирликларнинг бадиий матнда коннотатив маъно касб этиши, интертекстуаллик ҳосил қилишдаги аҳамияти, бадиий юк олиши, образ яратишдаги илмий аҳамиятига доир материалларидан фойдаланилган (Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 11 октябрдаги 2021-11-10/1365, 1366-сон маълумотномаси). Натижада адабий-бадиий, маънавий-маърифий дастурларда Матназар Абдулҳаким шеърляти тилининг бадиий имконияти кенгроқ очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та (5 та республика ҳамда 3 та хорижий журналларда) мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 160 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ҳамда вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Матназар Абдулҳаким шеърлятидаги тасвирий воситалар ва барқарор бирикмалар лингвопоэтикаси**” деб номланган бўлиб, олти бўлимдан ташкил топган.

Биринчи бобнинг дастлабки бўлими “**Бадий матнга лингвопоэтик ёндашув**” тарзида номланган. Бунда лингвопоэтиканинг филологик билимлар тизимидаги аҳамияти ва соҳа тадрижий тараққиёти ҳақида қисқача маълумот берилган.

“**Метафоралар бадийяти**” деб номланган иккинчи бўлимда Матназар Абдулҳаким шеърляти тилида қўлланган метафоралар ўрганилди. Матназар Абдулҳаким шеърляти тилида қўлланган оригинал – ўзига хос метафоралар, метонимиялар шоирнинг ижодий индивидуаллигини белгиловчи омиллардан бири эканлиги далиллар ёрдамида очиб берилди.

Метафора йўли билан маънонинг кўчирилиши – предметлар, ҳодисалар ўртасидаги нисбий ўхшашлик асосида маънонинг кўчирилиши¹ ҳисобланади. Метафораларда, айниқса, бадийлик, кўтаринкилик сезилиб туради. Улар нутқда “образлилик, эмоция бериш”² вазифасини бажаради. Матназар Абдулҳаким шеърляти тилида қўлланган нутқий метафоралар, айниқса, қизиқ характерга эга. Матнлар тилида *мушук* (лоқайд одам образи), *шеър* (мардлик ва жасорат образи), *булбул* (эзгулик тимсоли), *кийик* (нафосат ва гўзаллик тимсоли), *ит* (бесабрлик, нодонлик тимсоли) сифатида гавдаланади: *Ассалому алайкум, мунисим Қоплон, // Қорни тўйса – байрам, қорни тўйса – ийдим. // Вовуллашни тўхтат, сабрда тоблан, // Ҳадеб итлингга бораверма, итим* (ЖТ, 64)³.

Шер, қоплон анъанавий тотем метафора бўлиб, “ғурур”, “жасорат”, “эрк” ва “озодлик” маъноларида қўлланиб келади. Муаллиф *қоплонни мушукка* антоним сифатида қўллаш орқали “мушук” метафорасини юзага чиқаради (Бу янги маънода қўлланилган метафорадир): *Токайгача мушуклар бошини силаб, // Қоплонлар бошига этиб яшаймиз* (ЖТ, 328).

Ишда бундан ташқари кўплаб метафораларга мурожаат қилинган бўлиб, улар бўйича атрофлича таҳлиллар мавжуд.

Бобнинг учинчи бўлими “**Контраст бадий восита сифатида**” деб номланади ва унда муаллифнинг бадий тасвир яратиш маҳорати нутқий контрастлар мисолида тадқиқ қилинган. Шоир кўплаб шеърларида контрастдан, антонимлардан маҳорат билан, жуда ўткир мантиқ ва фалсафа асосида фойдаланган.

¹ Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 2003. – Б.133.

² Лапасов Ж. Бадий матн ва лисоний таҳлил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.19.

³ Шоир қаламига мансуб шеър тўпламлар қисқартма шаклида берилди. Иш сўнггида қисқартмалар изоҳи берилди.

“Бадиий адабиёт тилидаги антитеза усули (мумтоз адабиётда бу усул тазод деб юритилган) бир-бирига нисбатан қарама-қарши маъноларни берадиган сўзларни, ибораларни баёнда ёнма-ён қўллаш орқали образлиликни келтириб чиқаришга асослангандир”¹.

Ана, оқтут қоқаетирлар, // Оппоқ тутга тўла ҳаммаёқ. // Одамлар тут емоқда тўйиб, // Дарахт тўйиб емоқда таёқ (ЖТ, 13). Бу шеърда лаззат ва тан оғриғи ичдан бир-бирига зидлашган. Шеърда буюк жасорат эгаси, одамлар манфаати йўлида жонини аямайдиган ва ачинарлиси, ўзининг фидоийлиги эвазига калтак – ҳақорату таҳқир эшитган “чин инсон” образи *оқтут* тимсолида очилган бўлса, ўзининг хоҳишлари учун ҳеч нарсадан тап тортмас “тутхўрлар” метафора усулида унга қаршилантирилган.

Муаллиф битта шеърда *қуш*, *илон* сўзларини зид маънода қўллайди: *У биз учун энди бахтли хотира, // Ўнгидан келмаган лаззатли бир туш. // Бизнинг юракларда илон бор эди, // Бизнинг юракларда яшолмасди қуш* (ЖТ, 12). Антонимликни юзага келтирган сўзларнинг зоҳирига назар соламиз: қуш осмонда учади, илон ерда судралади. Демак, бу ерда “учмоқ – судралмоқ” мазмуни зидланган. “Жасорат ва кўрқоқлик, буюклику тубанлик, самимийлик ва айёрлик” мазмуни муаллиф маҳорат билан *илон – қуш* сўзлари зиммасига юклаган ва гўзал метафора яратган.

Бобнинг тўртинчи бўлими “**Оксюморонлар**” деб номланган. Оксюморонлар адабиётда, хусусан, шеърятда юқори эмоционал ёрқин поэтик восита сифатида қўлланади. Таникли шоирлар шеърятини тилининг бадиий воситаларидан оксюморонларни таҳлил қилиш орқали ижодкорнинг сўз қўллаш маҳорати, услубий ўзига хослигини кўрсатиш мумкин. Матназар Абдулҳаким ҳам ажойиб сўз зарғари сифатида оксюморонлардан маҳорат билан фойдаланган ижодкорлардандир. Муаллиф ўзбек тилининг имкониятларидан моҳирона фойдаланишга ҳаракат қилган ва оксюморонлар воситасида гўзал бадиий топилмалар қилишга эришган. Шоир асарларини мутолаа қилар эканмиз, оксюморонлар қўлланган шеърларнинг жозибаси, фавқулоддалиги эътиборни тез тортади.

Шоир шеърларида *тўғрилар ўғри, ҳаромлар ҳалол, марҳум жонлар, ҳаётбахш ўлим, жимгина ҳайқирар, янгроқ сукунат, айтмаганинг розлар, сўзсиз мактуб, сўзсиз жавоб, шодлигим гамдир, очлик ҳалол луқма, хазонимдир яшиллик, телбалигим – донолигимдир* каби кўплаб оксюморонлар фавқулодда бадиий восита сифатида қўлланган:

Бизлар ўлмагаймиз. Сизларнинг ёдлов // Жон бахш этар ҳатто марҳум жонларга. // Қайтгаймиз, бизларни йўқлаган заҳот // Тирилиб муборак хонадонларга... (ТА2, 294)

Ушбу шеърдаги “*марҳум жонлар*” бирикмасининг ноанъанавийлигини таъминлаган нарса сезилмас даражага келган сўзлар қатидаги семантик зидликдир. Изоҳли луғатда *жон* сўзининг бош маъноси “Диний-ибтидоий тасаввурларга кўра, инсон ва ҳайвон танасида бўладиган, уйқу чоғида (вақтинча) ёки ўлган вақтда танадан чиқиб кетадиган алоҳида кўзга кўринмас илоҳий куч, қувват; рух”². *Марҳум* сўзида эса жонсизлик, жони чиққанлик семаси ифодаланади. Луғатда ушбу сўз: “Вафот этган, ўлган киши”³ дея изоҳланади. Демак, марҳумларда жон мавжуд бўлмайди, шундай экан, бу бирикмада “ғалати”лик ойдинлашгандек бўлади. *Жонлар* сўзига сифатлаш сифатида *марҳум* сўзини қўллаш маромсизлик асосида содир бўлган ҳамда бирикманинг поэтик салмоғини оширган дейиш мумкин.

“**Плеоназм бадиий восита сифатида**” тарзида номланган бобнинг бешинчи бўлимида тил илмида лисоний ортиқчалик(плеоназм)нинг бадиий матн ҳосил қилишдаги ўрни адиб шеърлари мисолида таҳлил қилинди. Муаллиф шеърятда кузатиладиган

¹ Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол.фан.номз. ...дисс. – Самарқанд, 1993. – Б.219-220.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2-жилд, 2006. – Б.102.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2-жилд, 2006. – Б.549.

мазкур ходисалар дистант ҳолатдаги, контакт ҳолатдаги плеоназмлар тарзида тадқиқ этилди.

Тўлиқсиз феълнинг дистант ҳолатда ишлатилиши асосида юзага чиққан плеоназмга мисол сифатида куйидаги мисраларни келтириш мумкин: *Мен согиниб эканман сизни, // Сиз согиниб эканмикансиз?* (ТА1, 4). Бу ердаги *согиниб эканмикансиз* сўзи таркибидаги *эканмикансиз* қисмининг морфемик таркиби аниқланганда *экан-ми-экан-сиз* тарзида тўртта морфемага ажралишини кўрамиз ва ойдинлашадики, “экан” тўлиқсиз феъли икки мартаба қўлланган – сўроқ юкламасидан олдин ва ундан кейин фонетик ўзгаришга учраб *экан // кан* тарзида қўлланиши натижасида плеонастик қўлланиш юзага келган бўлса ҳам, семантик-структурал ғализлик сезилмайди. Аксинча, “экан” қисмини такрор қўллаш оқибатида маъно кучайтирилиб сўроқ оҳанги бўрттирилган ва сўроқдаги ҳадик ва шубҳа маънолари сўз зиммасига юклатилишига ҳамда шу билан лисоний ортикчаликдай туйилган сўзда шаклий сиқиклик воситасида семантик қўламдорлик юзага келган. Бундан ташқари, бу сўз *тикансиз* сўзи билан хушоҳангликни юзага келтирилганлиги ҳам муаллифнинг сўз қўллаш маҳорати юкорилигидан далолатдир.

Плеоназмлар ҳақида гапирилганда, одатда, икки бир хил тушунчани англатувчи тил бирликлари ҳақида гап боради. Уч, тўрт, ҳатто беш хил ҳодиса асосида плеоназм қўллаш кузатиладиган ўринлар ҳам мавжуд. А.Ғуломов, кейинчалик Р.Кўнғуров беш асосли плеонастик қўллашга мисол келтиришган “*жажжжи-гина кўзи-чоқ-ча*”¹.

Матназар Абдулҳакимнинг уста сўз санъаткори эканлиги шундаки, адиб бир ўринда уч асосдан шаклланган плеоназмга мисол келтиради: *Ҳам куйлаб ўлмаслик бахтин тилайман, // Сизнинг ёлғизгина бир ўзингизга* (ТА1, 42).

Бўлим якунида шоир ижодида қўлланган плеонастик бирликлар бадиийлик касб этиши, муаллифнинг индивидуал услуби ҳамда бадиий сўз қўллаш маҳорати юкори эканлиги кўрсатиб берилган.

Бобнинг олтинчи бўлими “**Паремнологик бирликларнинг поэтик имкониятлари**” деб номланган бўлиб, унда адиб шеърлятида қўлланган мақоллар, афоризмларнинг бадиий матндаги ўрни ёритилган.

Шеърлий асарлар тилида мақоллар образ чизишда қулай воситадир, улар бадиий нутқда алоҳида қийматга молик². Муаллиф ўз шеърлярида “*Билингай ўтда олтин сохтами ёки асл*”, “*Меҳмон отангдай улуг*”, “*Ҳар тўқисда бир айб*”, “*Насибангдан қочма*”, “*Бой бойга боқар, сув сойга оқар*”, “*Яхшилик қилсанг, унут*”, “*Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил*”, “*Гўзалликнинг умри қисқадир*”, “*Доно оёқ остида-ю, нодон бошда*”, “*Ииқ бошқа, ҳавас бошқа*”, “*Кўзинг кўр, қулгоинг кар бўлсин*” ва шу каби кўплаб мақоллардан фойдаланган. Ишда шу каби бирликларнинг поэтик имкониятлари очиб берилди.

Паремнологик бирликларнинг бир тури бўлган афоризмлар ҳаёт ҳақиқатини жонли ва образли халқ кайфиятига монанд ифодаси сифатида кўрилади. Бу бирликлар омма учун тушунарли ва ўз навбатида бадиийликдан ҳоли бўлмаслиги ҳам шарт.

Шоир қаламига мансуб афористик мазмундаги мисраларни куйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) илм-ҳунар ўрганмоқ ва ўргатмоққа доир: *Илм ҳикматни бошқага берсанг, Ўзингда ҳам кўпаяр ажаб* (ЖТ, 93), *Илм ўргатиб соҳир кўшиқлар, Янграмаса кўшиқдай фанлар* (ЖТ, 220), *Хатчўп эмас эгалласа пул, Ўқилмаган китоб қатини* (ЖТ, 138);

2) меҳнат ва меҳнатсеварлик ҳақида: *Қилган ишинг бўлсин юракдан* (ЖТ, 164), *Гулга ниш урмайди асалари ҳеч, Асалари гулдан бўса олади* (ЖТ, 63);

3) ишқ-муҳаббат (интим кечинмалар) ҳақидаги афоризмлар: *Меҳр йўқ, севгиси йўқ, дардсизлар, Барчаси дунёга бекор келди* (ЖТ, 176), *Сен шу қадар юксақлардасан – Ўзимга*

¹ Гулямов А.Г. О некоторых особенностях аффиксов с уменьшительно-ласкательным значением в узбекском языке // Научные труды ТошГУ. Вып. 264, 1964. – С.15-17; Кўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. 1-қисм. – Самарқанд, 1975. – Б.157–158.

² Йўдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 47.Б.

ҳам кўрмайман раво (ЖТ, 144), Сен билан бир ҳаводан нафас Олиши ўзи менга катта бахт (ЖТ, 8);

4) ижтимоий тузум, давр, маиший ҳаёт билан боғлиқ афоризмлар: *Ўтмиши ўтмишники, азизим, ўтмиши билан қуруқ фахр этма* (ЖТ, 111), *Шоҳга ором бўлса, улуснинг Холига вой. Билиб қўй шуни* (ЖТ, 105), *Осмонга чиққани учунмас, Нури билан Қуёш Қуёшдир* (ЖТ, 98), *Бош эмакни мажнунтолдан ўрган, Бўй чўзмоқни эса теракдан* (ТА2, 212), *Аёллари эркакишода халқ Хотинчалиши бўлади доим* (ЖТ, 113);

5) диний эътиқод билан боғлиқ афоризмлар: *Золим учун қилинган меҳнат, Тўнғиз гўштидан ҳам ҳаромдир* (ЖТ, 88), *Гўрга эди сигинсалар ҳаттоки шахсга, Булар сигинади янги тўнга ахир* (ЖТ, 170) ва ҳоказо.

Боб якунида 6 банддан иборат қисқа хулосалар берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Матназар Абдулҳаким шеърятда лексик ва фонетик бирликларнинг лингвопоэтик хусусиятлари**” деб номланган бўлиб, у тўрт бўлимдан иборат.

“**Окказионализмлар лингвопоэтикиси**” деб номланган биринчи бўлимда аффиксация ва композиция усулида ясалган сўз кўринишидаги окказионализмларга кўпроқ эътибор қаратилди.

Муаллиф томонидан ижод қилинган шеърлар тилида кўшимчалар воситасида ҳосил қилинган *саодатсирамоқ, эзгуликхўр, меваланмоқ, дийдорхўр, инъомфуруш, бахтсирамоқ, лолаланиб, атиргулланиб, зулмкашмиз, юракхўр, бешарҳ* каби окказионал сўзлар; композиция усулида ҳосил қилинган *мотамзада, айрилиқзада, меҳрбахши, насиймнафас, фалакфеъл, юҳофеъл, чечаксифат, лоласифат, харсангбанд, умумқидиқлаш, умумқиқирлаш, умуммаърака, ҳамуқубат, шодимарг* каби кўшма сўз шаклидаги окказионализмлар қўлланган бўлиб, ишда ана шу сўзлар атрофлича изоҳланди. Кўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинган окказионал сўзлар маром ва маромсизлик асосидаги шакллар тарзида таҳлилга тортилди.

Фасллар аридай қўниб учади, // Меваланиб борар инсон деган гул (ТА1, 80). -лан кўшимчаси ёрдамида муаллиф маҳорат билан янги сўз ясашга эришган. Морфем луғатда бу кўшимчанинг “(-ла-н) сифат ва сонларга кўшилиб феъл ҳосил қилиши таъкидланади. Бу феъл одатда ўзлик даражасида бўлиши”¹ қайд қилинган. Лекин ўзлик даражани – нисбатни -лан кўшимчаси эмас, -н кўшимчаси ифодалашни аниқ. Шу нуқтаи назардан -лан аффикси билан ясалган сўзлар аниқ нисбатдаги феъллар саналади. Бу кўшимча баъзан *от+лан, қурол+лан* шаклида отларга кўшилиши ҳам мумкин, бироқ “мева” сўзига кўшилиши адабий тил меъёрида кузатилмайди.

Диссертацияда шу каби ўнлаб сўзлар таҳлил этилган.

Бобнинг иккинчи бўлими “**Диалектал бирликлар**” деб номланади.

Муаллифнинг шевада ёзилган ижодий ишлари адабий тилимиз ривожига ўзининг ижобий таъсирини ўтказишда аҳамиятли тажрибалардандир. Уларни кузатар эканмиз, фонетик жозибадорлик ва мусикийлик, кўчимлар, маъно товланишлари, омонимлар, синонимлар, антонимлар, тагмаънолар асосида ҳосил қилинган гўзал фалсафий умумлашмалар синкретиклик ҳосил қилиб, бадий дурдоналар сифатида адиб ижодини безаб турибди. Шундай экан, бу намуналар чуқур ва батафсил тадқиқ қилинишга ҳақли деб ҳисоблаймиз.

Матназар Абдулҳакимнинг шевадан фойдаланиш маҳоратини иккита аспектда кузатиш ва баҳолаш мумкин. Биринчиси – бошдан охир шевада ёзилган шеърлар, иккинчиси адабий тилда ёзилган шеърлар таркибидаги шева унсурларидир.

Адабий тилда ёзилган шеърлардаги шева сўзларига мисол сифатида қуйидаги шеърий парчани келтирамиз: *Ҳали жабру ситам кўҳнайгани йўқ, // Бир қиз бор, азоби ўлимдан ёмон* (ЖТ, 20). Шеърда кўҳнайган сўзи “эскирган” маъносида Хоразм шеваларида фаол қўлланади. Бу сўзшакл адабий тилда “кўҳна” тарзида ўтган замонга ва муқаддас

¹ Ғуломов А. Ўзбек тилининг морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – Б.442.

тарихий обидаларга нисбатан сифатлаш қилиб қўлланилади. Уни моддий буюмларнинг эскиришига нисбатан қўллаш узуал адабий тил меъёрларида кузатилмайди.

Шевада ёзилган шеърларнинг лексикаси ҳам ўзига хослик касб этган. Бундай лексик бирликлар маҳаллий колоритни ёрқин акс эттириши билан баробар семик, шаклий-функционал жиҳатдан ҳам бетакрорликка эга бўлади. Масалан, *Қоромон* сўзи ҳам шоир ижодида ўзига хос қўлланишга эга. Бу сўз шаклий томондан узуал адабий тилда икки ҳолатда омоним бўлиши мумкин. Шевада эса унда тўртта сўзнинг фонетик қурилишини мослаштириш мумкин бўлади: *Хива йўлини икки чети қоромон, // Қоромондо ўсган гўззи қоромон. // Ёрим гўрсанмийди Хиво йўлиндо, // Юрак қоним гўз ёшимо қоромон* (ТА2, 223). Бу тўртликда *қоромон* шаклдош сўзи 1-мисрада “дарахт номи”, 2-мисрада “қишлоқ номи”, 3-мисрада “қора ранг”, 4-мисрада “аралаштирмак” маъноларида қўлланган. Шулардан биринчи ва иккинчи сўзлар узуал адабий тилда шаклдош бўлса, қолган иккаласи шеванинг фонетик табиати сабабли улар билан шаклан мос келган. Бу жараёнда муаллифнинг тилга сезгирлик маҳорати ва тил билимдонлиги намоён бўлади.

Ишда шулар қаторида шева лақуналарига ҳам эътибор қаратилди. “Тилшуносликда эквиваленти бўлмаган луғавий бирлик “лақуна” атамасига жуда яқин тушунча бўлиб, маданиятлараро алоқада лақунарлик муаммоси деб аталади”¹. Бошқа тилларга бир сўз билан таржима қилиб бўлмайдиган бирликлар тарзидаги хулосаларда жузъий хато мавжуд бўлиб, бу фикрларни тузатиш, тўлдириш лозим. Аслида бир миллий тил ичида ҳам фаркланувчи лаҳжалар, маданий бирликлар мавжуд бўлиб, уларни таққослаш ҳам тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Матназар Абдулҳакимнинг шевада ёзилган шеърлари таркибида фақат Хоразм худудида мавжуд бўлган муқобилсиз лексика, лақуналар ҳам мавжуд бўлиб, булар айни пайтда худуднинг ўзига хос маданиятини англаган лингвокультуремалар сифатида халқнинг урф-одатлари ва турмуш шароитларини акс эттириши жиҳатидан лингвопоэтик аҳамият ҳам касб этади.

Шоир шеърляти тилида Хоразм халқининг тўйларидагина қилинадиган маросимлардан бири бўлган *тохо тошош* (тахтга ташлаш) лақунаси қўлланган. Бунда келинни куёв кўтариб олиб чимилдикдаги ётоқ ўрнига ташлайди. Бу куёвнинг кучини билдириш, устунлигини кўрсатиш билан бирга, янги қурилаётган оилада ҳимоячи эканини ҳам англатади ва Республиканинг бошқа вилоятларда кузатилмайди: *Чешма-булоқлори гўмилмайан бир // Ёйилгон-ёзилгон ерда ёшосонг. // Чаккасиннан ўпиб савган ёрингни, // Бир қужоқ гул атиб тохо тошосонг* (БКҒ, 25).

Ишда бундан ташқари, *лачак, монғлойча, талак, қонт синдириши, элгазар* каби лақуналар ҳам таҳлил қилинди.

Шевада ёзилган шеърларнинг лингвопоэтик тадқиқида фонетик ҳодисаларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Поэтикада маънони кучайтириш ва тасвирдаги айрим эпизодларни алоҳида ажратиб кўрсатишнинг махсус усули товушлар такрори бўлиб ҳисобланар экан, бу ерда ҳам шаклнинг мазмун реаллашувига хизмат қилиш тамойили амал қилади².

Иккинчи бобнинг учинчи бўлими “**Хоразм воҳаси маросим, урф-одат ва инонч-эътиқодига оид лексемалар**” тарзида номланади.

Замонавий тилшуносликнинг етакчи соҳаларидан бири бўлган бадий асар тилини тадқиқ қилувчи лингвопоэтика бадий асарнинг лисоний қуршовини ўрганишда лингвокультурологияга ҳам таянади.

Насрий асарларда урф-одат ва маросимлар ёрқинроқ акс этади, бироқ шеърый асарлар тилида маросим ва урф-одатлар, инонч-эътиқодга доир изларни кам учратамиз. Шеърый асарлар тилида урф-одатлар ва маросимларга доир поэтонимлар(поэтик

¹ Хакимова Ш.Р. Лақуна как лингвистическое явление / – Текст: непосредственный // Молодой ученый. – 2015. – № 1 (81). – С.420-422.

² Умирова С. Ўзбек шеърлятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърляти мисолида): Филол.фан. фалсафа док. (PhD) автореф. – Самарқанд, 2019. – Б.14.

қўлланган номлар) камлигининг сабабларидан бири уларда кўпроқ рухий кечинмалар, кайфият акс этишидир.

Бу бўлимда шоир ижодида учрайдиган Хоразмнинг кўп минг йиллик анъана ва урф-одатлар, инонч-эйтиқодларига оид қудуқ сўзига эътибор қаратилди. Хоразмда кудуқлар минг масжиддан аъло. Агар масжид бўлмаса, инсоннинг кўнгли ибодатхона, чин ихлос билан ибодат қилса, исталган жой масжид вазифасини ўташи мумкин, бироқ сувсиз ҳаёт йўқ. Қудуққа муқаддас жой сифатида қараш уни ғорат қилмаслик, ифлос қилмасликни талаб этади. Сув қудуғига ўлимтик тушиши ёмон аломат сифатида қаралиб, агар кудуққа ит ўлиги тушган бўлса, махсус маросим – тозалаш тадбири ўтказилган: “*Дастлаб қудуқдан 20 челақ сув олиб ташланган. Кейин сувга таёқ суқиб, сатҳи ўлчанган ва яна уч марта сув таёқдаги белгига тўрт бармоқ эни қолгунча олиб ташланган*”¹. Қудуқ булғаш энг оғир жиноят сифатида қаралган. Хоразмда туғилиб ўсган Матназар Абдулҳаким булардан беҳабар бўлиши мумкин эмас эди. Шу асосда қудуқ сўзи шоир ижодида фаол қўлланади: *Лаънатлансин қудуқ булғаганлар бас, // Бундайлар мардуддир, бундайлар жирканч* (К, 100).

Қудуқнинг булғаниши билан боғлиқ ишончлар воҳанинг турли жойларида турлича. Урганч ва Хонқада булғанган қудуқлар кўмиб ташланган экан²: *Қудуқ нопок бўлса, на очинг аза, // Қудуқ нопок бўлса, на кўз ёшланглар. // Фақат қаҳр билан, фақат дарғазаб, // Бундай қудуқларни кўмиб ташланглар* (К, 100).

Олдинги қўшмисрада қудуқ сўзининг такрори натижасида сўзнинг таъкид маъноси кучайган, сўнги мисрадаги қудуқ сўзи эса кескин қораланиш бўёғини олган бўлиб, ижирғаниш оҳангида ўқилади. Бу ҳолат матн бутунлигидаги сўзнинг поэтик қийматини янада оширган.

Хоразм воҳасининг ишонч-эйтиқоди ва неча минг йиллик урф-одатлари муаллиф қаламига мансуб шеърларда ўз аксини топган. *Дарё, қудуқ, йўлбарс, Амударё, илон, тумор* ва шу каби кўплаб лисоний бирликлар мавзуни ёритишда марказда туриши ишда таъкидлаб ўтилди.

Бобнинг тўртинчи бўлими “**Шевадаги шеърлар фонопоэтикаси**” тарзида номланган. Матназар Абдулҳакимнинг шевада ёзилган шеърларидаги товушларнинг статистик таҳлили шуни кўрсатадики, сонорлар муаллиф шеърлар тилида кўп учрайди, хусусан, *Н* барча ундошлардан ҳам кўра кўп кузатилади (1341 марта такрорланган). Қизик томони ва айни пайтда муаллиф услубини белгилайдиган восита сифатида қаралиши лозим бўлган жиҳат *Ф* ундошининг жуда кам қўлланишидадир. Бу ҳарф бор-йўғи 4 марта ишлатилган. Бундай ғайриоддий ҳолатнинг изоҳи ўғузлар “ф” товушини “п” билан алмаштириб қўллайдилар: вафо-вапо, сафо-сопо, хафа-хопо в.х. Тўртта қўллашнинг учаласи *кулфат* сўзи таркибида келганига гувоҳ бўлдик. Бир ҳолатда эса у *жуфт* сўзи таркибида келади, бошқа ўринда бу сўз “жуп” ҳолида қўлланади. Хуллас, буни техник хатолик сифатида қарайдиган бўлсак, муаллифнинг шевада ёзган шеърларида бу товуш кузатилмайди дейиш мумкин. Юқоридаги ҳолат (товуш алмашиниши) *К* ва *Г* нинг микдорий тафовутида ҳам кўринади. *Г* 344 марта, *К* 281 марта такрор ишлатилган. *Керак-гарак, келган-галган, кўзимга-гўззима* сўзлари ва бошқа кўплаб ҳолларда *К/Г* га алмашган. *Т/Д* га ўтиши ҳам ўғуз лаҳжасида кузатиладиган табиий ҳодиса. Бундай фонетик ўзгаришлар баъзи ўринларда фонопоэтик аҳамият касб этиши мумкин: *Эй диллари шакар, дийши дур, галдинг, // Галмийн-галмийн бу дунёго бир галдинг* (БҚГ, 43). // *Дард доғлорим доғло дошин уводи* (ТА2, 224). Ушбу мисолларнинг биринчисида *Т/Д* – *тил* – *дил*, *тиш* – *диш*; *К/Г* – *кел* – *гал* тарзида, иккинчи мисолда *Т/Д* – *тоғ* – *доғ*, *тош* – *дош* тарзида товуш алмашиниши натижасида товушлар уйғунлиги юзага келган бўлиб, мусиқий гармонияни юзага келтирган. Демак, бу ўринда товушларнинг маълум ўринларда келиши мисранинг поэтик қувватини, мусиқий кучини оширган. Бу ҳодиса филология илмида “тавзий”

¹ Г.П.Снесарев. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросим ва урф-одатлари. – Урганч, 2018. – 137. Б.

² Г.П.Снесарев. Кўрсатилган асар. – Б. 137.

дейлади. “Тавзиъ шундай санъатки, бунда шоир ёки умуман сўзловчи ўз фикрини ифодалаш учун янгроқдош, яъни бир хил янгроқ товушга эга бўлган сўзлардан фойдаланади”¹.

Алоҳида диққат қаратиладиган жиҳати, шоирнинг шевадаги шеърларида *H* ундоши кўп учраса ҳам, *L* ва *P* ундошлари ҳар бир сўзни чертиб, алоҳида урғу билан таъкидлаб, талаффуз қилиш орқали лирик қаҳрамоннинг ички кечинмаларни гўзал, таъсирли ифодалаш имконини беради. Бунда “нозиклик”, “гўзаллик” оттенкаси: *Улги олиб лабинган лаъл лаъл бўлди* (БКГ, 43), *Сани гулганларинг гул ади, ёрим* (БКГ, 24), *Қизил гулдийн олмо ёноқи ёнди* (ТА2, 203); “кескинлик” оттенкаси: *Ройимизо қоронг, зўр қизоварманг* (БКГ, 42), “афсусланиш” оттенкаси: *Қоррилиқ ёшлиқо сиро сороймос* (ТА2, 202), “давомлилик” оттенкаси: *Бир умира етиб ортор мастлиги* (ТА2, 228) каби.

Булардан ташқари, *Ж* ва *С* ундошлари ҳам баъзи ўринларда қуюқ тасвирийликни юзага келтирган: *Бийкажон, жийнингнан жоним ойнонсин Жинингни жонимо олиб бараман* (БКГ, 12), *Жонимни тўлийман жонинго, жоним* (ТА2, 207), *Сон-соноқни сонгороқдийн чоқоди* (ТА2, 225), *Савган ёринг сани ростдоном савса* (БКГ, 30).

Шоирнинг ўғуз шеvasида ёзилган шеърларидаги фонетик бирликлар матнлар мусикийлигини ошириш билан бирга, муаллиф ижодининг ўзига хослигини, халқчиллигини ифодалайди ва маҳаллий колорит нафасини беради.

Боб якунида уч қисмдан иборат хулоса берилди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Матназар Абдулҳаким шеърлятида қўлланган ономастик бирликларнинг матн бутунлигини шакллантиришдаги ўрни**” деб номланган бўлиб, у ўз ичига учта параграфни қамраб олади.

Бобнинг биринчи параграфи “**Антропоэтонимлар**” тарзида номланади.

Алоҳида ижодкор асарларининг ономастик қўламини ўрганиш² шоирнинг тил бойликларидан мақсадли ва унумли фойдаланиш қобилияти, муаллифнинг бадиий услуги ва ўзи мансуб шеърлятда тутган ўрнини баҳолашга ёрдам беради.

Бадиий асар тилида қўлланган номлар тадқиқи юзасидан қилинган ишларда прецедент бирликлар тилга олинади. “Муайян тил эгаларига яхши таниш бўлган ва уларнинг лисоний хотирасида сақланадиган, нутқий фаолиятида қайта-қайта мурожаат қилинадиган шахс номлари, барқарор сўз бирикмалари, жумлалар ҳамда матнлар прецедент бирликлар”³дир. Бир сўз билан, бундай бирликларни халқ тили руҳиятига сингган лисоний воситалар дейиш мумкин. Шоир асарлари тилида миллий менталитетга боғлиқ ҳолда машҳур номлардан фойдаланиш бадиий образ чизишда жуда қўл келади. Поэзияда номлар кўп ҳолларда, табиийки, бадиий восита сифатида майдонга чиқади, матнни англаш жараёнини тезлаштиради.

Шоир Матназар Абдулҳаким поэзиясида *Ёқуб, Юсуф, Қорун, Суқрот, Тўмарис, Аҳмад, Абул Аббос, Хотам, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Мансур Саолибий, Боязид Бистомий, Кайковус, Шайх Нажмиддин Кубро, Жалолиддин, Темурмалик, Чингизхон, Паҳлавон Пир(Паҳлавон Маҳмуд), Фузулий, Навоий, Бобур, Убайдулла Ибн Аҳмад, Махтимқули, Сталин* каби номлар қўлланган.

Шоир шеърлари тилида *Навоий, Алтомиш, Жалоладдин, Темурмалик, Хўжа Насриддин, Хотам* каби антропонимлар метафора ва метонимия сифатида бадиий вазифа бажариб келган. Хусусан, шоирнинг Навоий антропонимига ижодий ёндашуви диққатга сазовор: *Не керак заминни титратмас сурур, // Кўкни зир титратмас оҳни нетамиз. // Кўпам давроннишин бўлаверма юр, // Ҳазрат Навоийга кетамиз* (ТА1, 14). Бандда келтирилган *Навоий* антропоними метонимик қўллашга мисол бўлиб, *Навоий* сўзи орқали юзага келувчи анъанавий метонимиядан айрим жиҳатлари билан жиддий фарқ қилади.

¹ Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Ф.Ғулом, 1979. – Б.34.

² Анданиязова Д. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: Филол.фан. фалсафа док. (PhD) дисс. – Т, 2017. – Б.46.

³ Худойберганова. Д. Матннинг антропонимик тадқиқи: Филол.фан.д-ри. дисс. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 87.

Навоий антропоними анъанавий метонимия бўлиб келганда фақат буюк шоир асарлари кўзда тутилганлигини кўриш мумкин: Ўзбек *Навоий*ни ўқимай кўйса, // Олтин бошнинг калла бўлгани шулдир (Эркин Воҳидов “Ўзбек Навоийни ўқимай кўйса”).

Огаҳий бир газалида буюк салафининг тахаллуси Навоийнинг апеллятиви сифатида *наво* сўздан мохирона фойдаланиб, иштиқоқ санъати орқали ва фонетик уйғунлик (наво, Навоий) асосида бадий бутунлик яратишга эришган: *Огаҳийким, топқай эрди сўзи назмингдин наво, // Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидин санго*¹.

Навоий антропоними Матназар Абдулҳаким қўлламида XV аср, яъни шоир яшаган давр, ижобий маънодаги ижодий муҳит маъносида келганлигини кўрамиз. Ундан юқоридаги қаторда “Давроннишин бўлмоқ” бирикмаси антропонимнинг метонимиялик функцияси кодини очишга ёрдам берган. Бу фикрлар адибнинг анъана асосидан ўсиб чиққан ўзига хос услуби мавжудлигига исботдир.

